

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.ҒМ/Т.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАЛИЕВ ХОЖАКБАР СУЛТАНОВИЧ

**НОАНЪАНАВИЙ КИРИНДИЛАР БИЛАН ЛЕГИРЛАНГАН КРЕМНИЙ
ВА УНИНГ АСОСИДАГИ КЎПҚАТЛАМЛИ СТРУКТУРАЛАРДАГИ
НОМУВОЗАНАТЛИ ЖАРАЁНЛАР**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Далиев Хожакбар Султанович

Ноанъанавий кириндилар билан легирланган кремний ва унинг
асосидаги кўпқатламли структуралардаги номувозанатли жараёнлар 3

Далиев Хожакбар Султанович

Неравновесные процессы в кремнии, легированном нетрадиционными
примесями и многослойных структурах на его основе. 23

Daliev Khojakbar Sultanovich

Nonequilibrium processes in silicon, doped by nontraditional impurities and
multilayered structures on its basis 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.ҒМ/Т.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАЛИЕВ ХОЖАКБАР СУЛТАНОВИЧ

**НОАНЪАНАВИЙ КИРИНДИЛАР БИЛАН ЛЕГИРЛАНГАН КРЕМНИЙ
ВА УНИНГ АСОСИДАГИ КЎПҚАТЛАМЛИ СТРУКТУРАЛАРДАГИ
НОМУВОЗАНАТЛИ ЖАРАЁНЛАР**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/FM37 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://fti-kengash.uz>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Зайнабидинов Сирожиддин**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Арипов Хайрулла Кабилович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Зикриллаев Нурулла Фатхуллаевич
физика-математика фанлари доктори, профессор

Камалов Амангелди Базарбаевич
физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот: Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети хузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 26-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91, e-mail: lutr@uzsci.net, Физика-техника институти мажлислар зали).

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 26-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

С.Л. Лутпуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.В. Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., профессор

С.А. Бахрамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда, бугунги кунда жадал ривожланаётган нано ва оптоэлектроника йўналишида, бистабил хусусиятга эга бўлган ва узиб-уловчи қурилмаларда қўллашга мўлжалланган яримўтказгичли асбобларда ишлатилувчи кристалларнинг хажми бўйича биржинслилиги ва уларнинг ишчи характеристикаларини аниқловчи киришмаларнинг жойлашиши, айниқса чуқур сатҳли, ўтиш ва ноёб элементлар билан легирланган яримўтказгичлар параметрларини бошқариш, кремнийли кўпқатламли структураларда хажмий ва юза сирти нуқсонларини аниқлаш учун янги сиғимли спектроскопия усулларини ишлаб чиқиш муҳим муаммолардан бири ҳисоблади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари томонидан чуқур энергетик сатҳлар ҳосил қилувчи киришмалар билан яримўтказгичларни легирлаш орқали янги синф материалларини олишга оид кенг қамровли чоратадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди. Бу борада кремнийга ўтиш металларида марганец, никель ва ноёб металлларни диффузия қилишнинг янги усуллари яратилиб, нанокластерли материалларни ҳосил қилиш технологиясини мукамаллаштириш, кремний асосида ўтиш металлари билан легирланган фотосезгир ва магнит майдонига сезгир структуралар олиш технологияларини яратишни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида яримўтказгичлар физикаси соҳасидаги назарий ва амалий изланишлар натижасида инновацион технологияларни жорий этиш орқали наноэлектроника соҳасининг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жаҳонда яримўтказгичли асбобларнинг электрик параметрларини қайд қилинувчанлигини, ишлаш муддатини ва барқарорлигини ошириш йўллари аниқлашда анъанавий бўлмаган киришмалар билан легирланган кремнийда номувозанат ҳолатларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада, жумладан кремнийдаги ноанъанавий киришмаларнинг ўзаро ва назоратсиз киришмалар билан таъсири жараёнларини ўрганиш; ноанъанавий киришмалар билан легирланган кремнийнинг оптик ва электрофизик хусусиятларини текшириш; кремнийни ўстириш жараёнидаги киришмалар (кислород ва углерод) билан ноанъанавий киришмаларнинг ўзаро таъсирини ўрганиш; Si-SiO₂ ўтиш чегарасида ва уларнинг бўлиниш чегарасида, яримўтказгичда, диэлектрик хажмида содир бўлувчи физик жараёнларни тадқиқ қилиш; металл-диэлектрик-яримўтказгич (МДЯ) туридаги кремнийли кўпқатламли структуралар ва кремнийнинг хусусиятларига ташқи омилларнинг таъсирини ўрганиш; кремнийли МДЯ-структуралар хусусиятига ванадий ва никель, гадолиний ва самарий – чуқур киришмаларнинг таъсирини ўрганиш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур йўналишларда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини изоҳлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442–сон «2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг III. «Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозлиги ривожланиши»нинг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹.

Опто ва микроэлектроника соҳасидаги илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Цинциннати ва Калифорния университетлари, Intel фирмаси, Yale University (АҚШ), Philips Semiconductors, SGS-Thomson фирмалари, терабитли кристаллар олиш устида изланишлар Цукуба долзарб технологиялар марказида (Япония), нанотрубкалар асосида транзисторлар яратиш Юқори техника мактабида (Нидерландия), наноструктуралар физикаси Санкт-Петербургнинг Физика-техника институтида, микро ва наноэлектроника структуралар олиш технологияси «Полюс» илмий ишлаб чиқариш корхонаси (Россия) томонидан олиб борилмоқда.

Янги наноструктуралар ноёб элементлар билан легирланган яримўтказгичли материалларни олиш ва улар асосидаги структураларни ўрганишга оид жаҳонда олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: кремнийли ноёб элемент эрбий (Er) ионлари таркибли илк бор ёғду диодлари олинган (Yale University, АҚШ); кристаллар решеткасига ноёб ер элементлари киритилган структуралар ишлаб чиқилган Женева (Швейцария) ва Лунд университетлари (Швеция); эрбийли марказларнинг структураси ўрганилган (Nation institute for materials science Yokohama (Япония)); экологик назорат қилиш системалари учун асбоблар яратилган (Japan atomic energy research institute); нанокиришмалар юқори магнито қаршиликли структуралар ва термодатчиклар технологияси яратилган (Тошкент давлат техника университети), кичик ўлчамли юқори хароратли ўтаўтказувчан структуралар назарияси ривожлантирилган (Ядро физикаси институти (Ўзбекистон)).

Дунёда легирланган кремний ва унинг асосидаги кўпқатламли структураларни такомиллаштириш бўйича қуйидаги қатор устивор

¹Диссертациянинг мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи Holmium-related luminescence in crystalline silicon // Materials Science Engineering, V.B81, p.176-178 (2001) ва бошқа манбалар асосида бажарилган.

йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: марганец билан легирланган магнит майдонига сезгир структуралар ишлаб чиқиш; чуқур сатҳли никелни кремнийга диффузия қилиш жараёнларини ривожлантириш; ҳароратни ва бошқа параметрларни диагностикалашда қўлланиладиган функционал характеристикалари яхшиланган нанокластерли яримўтказгичли материаллар асосида ҳарорат датчикларини ишлаб чиқиш, фазалараро чегарадаги икки ўлчамли қатламларда содир бўладиган квантли ва нано ўлчамли эффектларни ўрганиш ва ҳ.к.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар чуқур сатҳларнинг параметрлари, хусусан, никель, ванадий ва ноёб ер элементларнинг параметрлари Weber E.R, Lemke J. (Германия) томонидан ўрганилган, Америкалик олимлар A.Stesman, B.Nouwen томонидан МДЯ-структураларнинг ҳарорат хусусиятлари, E.H.Snow, B.E.Deal томонидан МДЯ-структураларнинг электрофизик хусусиятлари, жумладан, Si-SiO₂ чегара қисмидаги нуқсонлар устида A.Stirling ва C.Charker тадқиқот олиб боришган.

Классик киришмалардан фарқли ўтиш элементлари билан легирлаш кремний асосидаги яримўтказгичли структуралар параметрларини яхшилаш мумкинлиги М.Бахадирханов, С.З.Зайнабидинов, К.П.Абдурахманов ишларида кўрсатилган. Қатор ноёб ер элементларининг диффузион параметрлари Д.Э.Назиров томонидан ўрганилган. С.И.Власов, П.Б.Парчинский томонида МДЯ-структуралардаги физик жараёнларга ташқи омилларнинг таъсири тадқиқ қилинган.

R.J.Kregler, S.R.Hofstein, H.B.Румак томонидан МДЯ-структураларнинг электрофизик хусусиятлари, асосан, оксидлаш, фотолитография, металл ўтказиш, сақлаш, куйдириш ва бошқа кимёвий ишлов бериш технологик операцияларини ўтказиш жараёнида тасодифан кириб қолувчи, базовий кристалда етарли микдордаги ҳар хил назоратсиз киришмалар мавжудлиги аниқланди. МДЯ-структуралар асосидаги микросхемалар ишчи параметрларининг стабиллиги чуқур сатҳли киришмалар борлиги билан боғлиқ.

Лекин киришмаларнинг нуқсонлар билан ўзаро таъсирлашуви масалалари ва яримўтказгичли асбобларнинг параметрларини стабиллаштириш учун МДЯ-структураларни чуқур сатҳли киришмалар билан легирлаш имкониятларини очиш, мураккаб затвор ости диэлектрикларини барпо қилиш йўллари ҳамда МДЯ-структураларнинг зарядли ҳолатларини аниқловчи киришма заррачаларининг таъсир қилиш механизмлари, яримўтказгичли структураларнинг барқарорлигини ошириш масалалари ўрганилмай қоляпти.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти грантлар тематик режаларига биноан ОТ-Ф2-081 «Таркибида киришма-нуқсонли ассоциатлар бўлган кремний монокристаллидаги нуқсонларнинг ҳосил бўлиш қонуниятларини ва яримўтказгич диэлектрик беркирилган бўлиниш чегарасида ҳосил бўлган динамик жараёнларни ўрганиш» (2007–2011 йй.), А-3-116+А-4-30 «Радиацияга юқори барқарор легирланган кремний ва кремнийли диод структураларни олиш технологиясини ҳамда

кремнийли қуёш элементларининг фотосезгирлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш» (2015-2017йй.) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўтиш ва ноёб ер элементлар яъни ноанъанавий киришмалар билан легирланган кремнийда нуқсонлар ҳосил бўлиши жараёнлари ҳамда бу киришмаларнинг кремнийли МДЯ-структуралар хусусиятига таъсирини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: кремнийли кўпқатламли структураларда ҳажмий ва юза сирти нуқсонларни аниқлаш учун ностационар сиғимли спектроскопия усулларини ишлаб чиқиш;

ноанъанавий киришмалар билан легирланган кремнийнинг оптик ва электрофизик хусусиятларини текшириш;

кремнийни ўстириш жараёнидаги киришмалар (кислород ва углерод) билан ноанъанавий киришмаларнинг ўзаро таъсирини ўрганиш;

диэлектрик ва яримўтказгич ҳажмида, уларнинг бўлиниш чегарасида ва Si-SiO₂ ўтиш қатламида содир бўлувчи физик жараёнларни тадқиқ қилиш;

МДЯ туридаги кремнийли кўпқатламли структуралар ва кремнийнинг хусусиятларига ташқи омилларнинг (нурланиш, ҳароратнинг ва б.) таъсирини ўрганиш;

кремнийли МДЯ-структуралар хусусиятига V, Ni, Gd ва Sm – баъзи бир чуқур киришмаларнинг таъсирини тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ноанъанавий киришмалар билан легирланган кремний ва унинг асосидаги МДЯ-структуралар олинган.

Тадқиқотнинг предмети ноанъанавий киришмаларнинг ўзаро ва назоратсиз киришмалар билан таъсир жараёнлари ҳамда МДЯ-структураларнинг диэлектрик ва яримўтказгич ҳажмида, уларнинг бўлиниш чегарасида ва Si-SiO₂ ўтиш қатламидаги электрон жараёнлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида қўйилган масалаларни ечиш учун фотосиғим, фотоўтказувчанлик ва инфрақизил спектроскопия, ностационар сиғимли чуқур сатҳлар спектроскопияси (DLTS) усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: металл-диэлектрик-яримўтказгич (МДЯ) структураларнинг параметрларини кам қийматларда N_{SS} юза ҳолатлари энергетик спектрини, МДЯ-структураларда ҳар хил электрон жараёнларнинг кинетикасини ҳамда диэлектрик ва яримўтказгич ҳажмида, уларнинг бўлиниш чегарасида ва Si-SiO₂ ўтиш қатламида электрик фаол нуқсонларнинг параметрларини юқори аниқликда ўзгармас сиғим (CC-DLTS) шароитида (ностационар сиғимли чуқур сатҳлар спектроскопияси) DLTS ёрдамида аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

кремнийда ноанъанавий киришмалар чуқур сатҳи ҳосил бўлиши самарадорлигини аниқловчи асосий омилларни, жумладан тоблаш ҳарорати ва легирлангандан кейинги совутиш тезлигини ҳамда турлича паст ва юқори ҳароратларда Ni ёки V диффузияси коэффицентининг ошиши ва ўстиришда легирланган кремнийда нуқсонлар ҳосил бўлиши асосланган;

кремнийга киритиладиган ноанъанавий киришмаларнинг атомлари ўстириш киришмалари (кислород) билан ўзаро таъсирлашиб оптик фаол кислород концентрациясининг (10 дан 50% гача) камайишига, айнан кириш-

манинг турига қараб никель билан легирланган кремнийда оптик шаффофлиги йўқолиши тажрибада аниқланган;

γ-квантлари ва электронлар билан нурлантирилган кремнийли МДЯ-структураларда диэлектрикнинг ҳажмида янги радиацион нуқсонлар ҳосил бўлиши, катта дозаларда уларнинг концентрациясининг ошиши, яримўтказгич юзасида стабил инверсион қатлам ҳосил бўлишига тўсқинлик қилувчи тирқишли ток ҳосил бўлишига олиб келиши уларнинг кремний юзасидан узоқдаги марказлар билан боғлиқлиги аниқланган;

майдоний электродда манфий ва мусбат кучланишли силжишларда ўтиб кетувчи нурланиш таъсирида МДЯ-структураларида, радиацион нуқсонлар стабил шароити ҳосил бўлишини таъминловчи, ҳар хил радиацион нуқсонларнинг жойлашиш ўрни ва параметрларини аниқлаш усули яратилган;

γ-квантлари ва электронлари таъсирида МДЯ-структураларнинг Si-SiO₂ ўтиш қатламида Si атоми билан эркин боғланишли шартланган ҳамда катодли сочилган SiO₂ структураларида, кремний ва кремний оксиди орасида кенглиги 0.6 нм атрофида SiO_x таркибли қатламда, эркин боғланишларнинг фазовий жойлашиш модели ишлаб чиқилган;

МДЯ-структураларда киритилган заряд ва диэлектрикнинг ҳажмий ҳолати 250°C ҳароратда, Si-SiO₂ чегара қисмида эса сиртий ҳолатлар 350°C ҳароратда, Si-SiO₂ ўтиш қатламидаги характерли радиацион нуқсонлар эса 400°C ҳароратда батамом термик куйдирилиши кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кремнийни ноанъанавий киришмалар билан легирлашнинг оптимал шароитлари характеристикалари қайд қилинувчи ҳар хил аналогли, рақамли ва катта интеграл схемаларни ясашда ишлатилган;

нам кислород атмосферасига C₂HCl₃ трихлорэтиленнинг 5 ҳажмий процентини кўшиш йўли билан металл-диэлектрик-яримўтказгич туридаги кремнийли кўпқатламли структураларни тайёрлашнинг оптималлашган паст ҳароратли технологияси анъанавий технологияларга қараганда оксид қатламида жойлаштирилган заряди ва сиртий ҳолатлари зичлиги сезиларли кам бўлган структуралар олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда ҳар битта сатҳ параметрларини ўлчаш имкониятига, энергия бўйича юқори аниқликка эга ва концентрация бўйича сезгирлиги юқори бўлган ностационар сиғимли чуқур сатҳлар спектроскопияси, фотоўтказувчанлик ва инфракизил спектроскопия усуллариининг қўллаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда олинган натижаларининг илмий аҳамияти ноанъанавий киришмалар билан легирланган металл-диэлектрик-яримўтказгич туридаги кремнийли кўпқатламли структураларда кечаётган физик жараёнлар тўғрисидаги тушунчани кенгайтиришга имкон беради.

Ҳар хил нуқсонлар параметрларини диэлектрик ва яримўтказгич ҳажмида, уларнинг бўлиниш чегарасида ва Si-SiO₂ ўтиш қатламида ўзгармас сиғим (CC-DLTS) шароитида ностационар сиғимли чуқур сатҳлар спектроскопияси ёрдамида аниқлаш учун ишлатиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўтиш ва ноёб ер элементлар яъни ноанъанавий киришмалар билан легирланган кремнийда нуқсонлар ҳосил бўлиши жараёнлари ҳамда бу киришмаларнинг кремнийли МДЯ-структуралар хусусиятига таъсирини тадқиқ қилиш асосида:

кремнийни термик оксидлашда куруқ кислород атмосферасига кам миқдордаги хлорни қўшиш йўли билан ишлаб чиқилган МДЯ-структураларни тайёрлаш технологияси «FOTON» акциядорлик жамиятида КП304А майдон транзисторини ишлаб чиқишда қўлланилган («Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг 2017 йил 13 сентябрдаги 03-1862-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши анъанавий технологияларга нисбатан оксид қатламида жойлаштирилган заряди ва сиртий ҳолатлари зичлиги кам бўлган структуралар олиш имконини берган;

ионизацион нурланиш таъсирида оксид қатламда мусбат заряд ҳосил қилиш бўйича олинган натижалар «FOTON» акциядорлик жамиятида КП304А майдон транзисторларининг параметрларини барқарорлаштиришда қўлланилган («Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг 2017 йил 13 сентябрдаги 03-1862-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши заряд ташувчиларнинг инвертирланган каналда эффектив ҳаракатчанлик нурланиш таъсирида 4–5 баробарга камайиши КП304А майдон транзисторидаги зарядларнинг йиғилиши ва оқишини бошқариш орқали электрик параметрлари барқарорлигини ошириш имконини берган;

ишлаб чиқилган ўзгармас сиғим шароитида (CC-DLTS) ностационар сиғимли чуқур сатҳлар спектроскопияси ёрдамида диэлектрик ҳажмида, Si-SiO₂ ўтишида ва унинг чегара бўлимида, яримўтказгич ҳажмида ҳар хил нуқсонлар параметрларини айрим ҳолда аниқлаш усули Ф2-ФА-Ф121 «Бир жинсли бўлмаган микроҳолатларни шаклланиши ва уларни нейтронлар ёрдамида легирланган кремнийнинг гидрогенлаш пайтида фундаментал хоссаларига таъсири» мавзусидаги илмий грантида (Ядро физикаси институти) яримўтказгичли диодлар параметрларини барқарорлаштиришда ишлатилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 24 августдаги ФТА-01-01/555-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши нейтронлар ёрдамида легирланган кремнийда нобиржинсли микроқўндирилмаларнинг батамом шаклланишини ва уларни гидрогенизациялашган кремнийнинг фундаментал характеристикаларига таъсирини ўрганишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 18 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, 65 та расм, 2 та жадвал ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 220 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўтиш ва ноёб ер элементлари билан легирланган кремнийда ва унинг асосидаги асбобларда физик ҳодисалар тадқиқотининг ҳозирги замон ҳолати**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили келтирилган.

Кремнийда ноанъанавий киришмалар (ўтиш ва ноёб элементлар атоми) ҳосил қиладиган ҳар хил чуқур сатҳларнинг параметрлари тартиблаштирилган, уларнинг қисқача шарҳи берилган. МДЯ-структуралар хоссаларининг ҳозирги замон ҳолати шарҳланган. Si-SiO₂ системасида содир бўлувчи ҳодисалар батафсил кўриб чиқилган ва бу ҳодисалар, асосан, Si-SiO₂ чегара қисми ва диэлектрик ҳажмида зарядларнинг мавжудлиги билан аниқланиши тўғри-сида хулоса қилинган. МДЯ-структураларнинг хоссаларига термик ва термик майдоний ишловнинг, радиациянинг таъсирига бағишланган тадқиқотларнинг тажрибадаги натижалари келтирилган.

Бобнинг охирида легирланган кремний ва унинг асосидаги кўпқатламли структуралардаги физик жараёнларни тадқиқ қилишнинг ҳозирги замон муаммолари ва истиқболли йўналишлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Кремний ва кремнийли кўп қатламли структура-лардаги ностационар сиғимли чуқур сатҳлар спектроскопиясининг хусусийлиги**» деб номланган иккинчи бобида яримўтказгичнинг ҳажмида ностационар сиғимли чуқур сатҳлар спектроскопия усули орқали чуқур сатҳларни аниқлашнинг назарий асослари тадқиқ қилинган. Юза ҳолатларининг зичлиги ва уларни тутиш кесими сиғимли усуллар асосида ётувчи тенгламалар келтирилган, асосий эътибор ўзгармас сиғим режимидаги DLTS усулига қаратилган. Фотосиғим ва DLTS спектрларидан чуқур сатҳларнинг параметрларини аниқлашнинг бир қанча усуллари кўрсатилган ва ҳисоб-китоб формулалари келтирилган.

МДЯ-структуралар учун ўзгармас сиғим режимидаги DLTS усулининг назарий асослари ривожлантирилган. СС-DLTS усулининг сезгирлиги ва аниқлигининг юқорилиги ($N_{SS} < 1 \cdot 10^9 \text{ см}^{-2} \cdot \text{эВ}^{-1}$) кўрсатилган, бу сиртий ҳолат-лар зичлигининг энергетик спектри N_{SS} нинг кам қийматларини ҳамда диэлектрик ва яримўтказгич ҳажмида, уларнинг бўлиниш чегарасида ва Si-SiO₂ ўтиш қатламида ҳар бир электр фаол нуқсонларнинг параметрларини аниқлаш имконини беради.

Электронларнинг сатҳий ҳолатлардан қайта зарядланиш кинетикаси

кўриб чиқилган. Мисол тариқасида СС-DLTS спектри сиртий ҳолатларининг икки хил қайта зарядланиш режими келтирилган. $T=292\text{K}$ даги максимум сиртий ҳолатларнинг асосий бўлмаган ток ташувчилари орқали қайта зарядланиши билан тушунтирилади.

Параметрлари ўзгармайдиган ва талабга мос материаллар олиш имконини берувчи ноёб ер элементлари ҳамда баъзи бир ўтувчи элементлар билан легирлаш технологияси ва МДЯ-структураларнинг параметрларини СС-DLTS ёрдамида аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган. СС-DLTS ёрдамида кремнийнинг тақиқланган зонаси бўйича сатҳли ҳолатлар энергетик жойлашишини ва уларни тутиш кесимини аниқлаш имконияти кўрсатилган.


Нам кислород атмосферасида 5 ҳажмли процентда C_2HCl_3 трихлорэтилен буғларини кўшиш йўли билан металл-диэлектрик-яримўтказгич туридаги кремнийли кўпқатламли структуралар тайёрлаш технологияси оптималлаш-тирилган. Ҳароратни 900°C гача пасайтириш оксидда мустаҳкамланган зарядни ва сатҳли ҳолатларнинг анъанавий усулларга нисбатан кичик қийматларини олиш имкониятини бериши кўрсатилган.

Кремнийнинг сиртий ва ҳажмий нуқсонлари параметрларини ўлчаш учун DLTS қурилмаси ишлаб чиқилган. Ўзгармас сиғимда ва ўзгармас кучланиш режимида ишловчи автоматик универсал DLTS қурилманинг ишлаш методикаси ва схемаси таклиф қилинган. Қурилма кремнийни тақиқланган зонасининг юқори ва пастки ярмида сиртий ҳолатларнинг зичлигини, заряд ташувчиларнинг тутиш кесимини, SiO_2 даги силжимайдиган мусбат заряд ва ҳажмий ҳолатлар ҳамда Si ва Si-SiO₂ ўтиш қатламидаги нуқсонларнинг параметрларини аниқлашга имкон беради.

Диссертациянинг «**Ноанъанавий киришмалар билан легирланган кремнийда физик жараёнлар**» деб номланган учинчи бобида ўтиш металлари ва ноёб элементлар билан легирланган кремнийда физик жараёнларни фотосиғим ва DLTS усуллари ёрдамида тадқиқ этиш натижалари келтирилган.

Физик жараёнларни Si<V>да фотосиғим ва DLTS усуллари ёрдамида комплекс тадқиқ этиш натижасида Vни кремнийга диффузион киритиш заряд ташувчиларнинг тутиш кесими $\sigma_n = 5 \cdot 10^{-14} \text{ см}^2$, $6 \cdot 10^{-14} \text{ см}^2$, $2 \cdot 10^{-15} \text{ см}^2$ ва $2.5 \cdot 10^{-13} \text{ см}^2$ бўлган ионизацияланиш энергияси ўзгармас тўртта чуқур сатҳ $E_c - 0.22 \text{ эВ}$, $E_c - 0.45 \text{ эВ}$, $E_c - 0.52 \text{ эВ}$ и $E_v + 0.41 \text{ эВ}$ ҳосил бўлишига олиб келиши аниқланган. Si<V> намуналарда чуқур сатҳлар ҳосил бўлиш самарадорлиги ванадийни киритишнинг технологик режимларига боғлиқ бўлиб, диффузия ҳароратининг ошиши ва диффузиядан сўнг намунани совутиш тезлигини ошиши самарадорликни оширади.


Диффузия вақтида ва ўстириш жараёнида қотишмадан Ni билан легирланган Si да номувозанат жараёнлар тадқиқ қилинган. Ni ни диффузия усулида киритилгандан кейин n-Si<Ni>_{диф} намуналарда параметрлари $E_c - 0.19 \text{ эВ}$, $\sigma_n = 2 \cdot 10^{-15} \text{ см}^2$ ва $E_c - 0.41 \text{ эВ}$, $\sigma_n = 6 \cdot 10^{-16} \text{ см}^2$ бўлган чуқур сатҳлар аниқланган, p-Si<Ni>_{диф} намуналарда эса $E_v + 0.20 \text{ эВ}$, $\sigma_p = 7 \cdot 10^{-15} \text{ см}^2$ ва $E_v + 0.41 \text{ эВ}$, $\sigma_p = 3 \cdot 10^{-15} \text{ см}^2$ чуқур сатҳлар кузатилади. $E_c - 0.19 \text{ эВ}$ ва $E_v + 0.41 \text{ эВ}$



1- кремний назорат намунаси;
 $T_{\text{диф}}$: 2 - 1000°C, 3 - 1100°C, 4 - 1200°C,
1-расм. Диффузия усулида Ni билан легирланган Si намуналарида ИҚ- ютилиш спектрлари

чуқур сатҳлар (Ni сиз) термик ишлов берилган намуналарда кузатилди, $\text{Si}\langle\text{Ni}\rangle_{\text{диф}}$ да уларнинг концентрацияси нисбатан кам. Яъни $E_c - 0.41$ эВ и $E_v + 0.20$ эВ сатҳларнинг ҳосил бўлиш самарадорлиги технологик режимларга ($T_{\text{диф}}$ и $V_{\text{охл}}$) боғлиқ, $T_{\text{диф}}$ ва $V_{\text{охл}}$ лар ошиши билан уларнинг концентрацияси ошиб бориши кузатилган. Ni билан диффузия усулида легирланган Si намуналарининг ИҚ ютилиш спектрларини ўлчаш (1-расм), Ni атомларининг Si ҳажмида мавжудлиги кислород пики интенсивлигининг сезиларли камайишига олиб келади.


Бунда кузатилаётган эффект киритилган Ni концентрациясига боғлиқ бўлиб, қанчалик N_{Ni} кўп бўлса, шунчалик $N_0^{\text{опт}}$ камайиши кўпроқ кузатилади. Кремнийга никелни диффузия усулида киритиш ва тез совутиш натижасида $\text{Si}\langle\text{Ni}\rangle$ намуналар оптик шаффофлигининг ёмонлашишига, ҳатто, шаффофлиги йўқолишигача олиб келиши топилган. Бу эффект секин совутилган намуналарда эса кузатилмайди.



2-расм. Si<Gd> (1) ва назорат (2) намуналарида солиштирма қаршиликнинг қалинлик бўйича тақсимоти

Хулоса қилиш мумкинки, Si га Ni киритилганда, аниқроғи, Ni ва O атомлари қатнашиши билан электронейтрал ва оптик фаол бўлмаган комплекслар ҳосил бўлади.

Диффузия йўли билан киритилган Gd ва Sm атомларининг табиатини ўрганиш натижасида $\text{Si}\langle\text{Gd}\rangle$ намуналарида солиштирма қаршиликнинг тақсимланиш erfc -функция билан ифодаланмаслиги ва иккита тармоқдан иборатлиги аниқланган (2-расм).



3-расм. n-Si<Gd> (1), p-Si<Gd> (2) ва назорат намуналарининг (3) DLTS спектри

тутиш кесими $\sigma_p=2 \cdot 10^{-16} \text{ см}^2$ бўлган фақат битта $E_v+0.32 \text{ эВ}$ чуқур сатҳ кузатилади (3-расм).


Кремнийни самарий билан легирлаганда ионизацияланиш энергияси $E_c-0.23 \text{ эВ}$, $E_c-0.39 \text{ эВ}$, $E_v+0.21 \text{ эВ}$, $E_v+0.29 \text{ эВ}$ бўлган чуқур сатҳлар ҳосил бўлади (4-расм). Фақат $E_c-0.39 \text{ эВ}$ и $E_v+0.29 \text{ эВ}$ чуқур сатҳлар ҳосил бўлишининг самарадорлиги Sm миқдори билан мос тушади. $E_c-0.23 \text{ эВ}$ сатҳ Si<Gd> ҳамда Si<Sm> намуналарида, кўринишидан термик нуқсонга ўхшайди, чунки у термик ишлов берилган назорат намунада ҳам кузатиляпти, бунда чуқур сатҳлар концентрацияси Si<Gd> ёки Si<Sm> га қараганда 1÷1.5 даража кўп. Ноёб ер элементлари билан легирланган n-Si да Gd ёки Sm таркиби ва термик ишлов ҳароратини ошиши билан $E_c-0.23 \text{ эВ}$ сатҳнинг концентрацияси камайишини Si да Gd ёки Sm атомлари мавжудлиги ҳисобига термик нуқсонлар ҳосил бўлишининг самарадорлигини камайиши билан тушунтириш мумкин.

Ноёб ер элементлари киришмаси мавжуд Si нинг инфрақизил спектроскопияси шуни кўрсатдики, назорат намуналар учун тугунлараро кислороднинг ($N_o^{\text{опт}}$) оптик фаол концентрацияси амалда ўзгармайди, ҳолбуки, Gd билан легирланган намуналар учун $N_o^{\text{опт}}$ концентрацияси 20% га камаяди, Sm билан легирланган намуналар учун эса $N_o^{\text{опт}}$ концентрациясининг камайиши 10–12% ни ташкил қилади.

Бошида ~ 50 мкм чуқурликгача 1,5÷2 даражага ρ нинг кескин ўсиши кузатилади, кейинчалик ρ стабиллашади ва чуқурлик бўйича сезиларли ўзгариш кузатилмайди. Назорат намуналарда эса чуқурлик бўйича ρ ўзгармади.

Сигимли спектроскопия ёрдамида ўлчашлар шуни кўрсатдики, Gd билан легирланган кремнийда заряд ташувчиларнинг тутиш кесими $\sigma_n=4 \cdot 10^{-17} \text{ см}^2$, $\sigma_n=2 \cdot 10^{-15} \text{ см}^2$, $\sigma_n=1.1 \cdot 10^{-15} \text{ см}^2$ ва $\sigma_n=1.5 \cdot 10^{-15} \text{ см}^2$ тенг бўлган ионизацияланиш энергияси ўзгармас тўрта чуқур сатҳ $E_c-0.23 \text{ эВ}$, $E_c-0.35 \text{ эВ}$, $E_c-0.41 \text{ эВ}$ ва $E_c-0.54 \text{ эВ}$ ҳосил бўлади.

p-Si<Gd> намуналарида тақиқланган зонанинг пастки қисмида заряд ташувчиларнинг



1-1100°Сда диффузия усулида легирланган,
2 - 1200°С да ва 3 - назорат намунаси

4-расм. Si<Sm> намуналарининг DLTS спектри

ларининг юқори ҳароратли термик ишлов жараёнида фаоллашиши билан боғлиқ бўлиб, кўринишидан ноёб ер элементларининг кислород билан комплексини бузишга олиб келади, натижада, эҳтимол, N_o^{opt} ошади ва Sm атомлари билан боғлиқ чуқур сатҳлар ҳосил бўлади. Gd атомлари юқори ҳароратли иссиқлик ишловда фаоллашмайди, бу Gd атомлари прецепитатларининг алоқа энергияси юқори-лиги билан боғлиқ.

Ноёб ер элементи киришмалари билан легирланган Si да радиацион нуқсонлар ҳосил бўлиши ўрганилиб, Si да Sm ва Gd атомларининг борлиги радиацион нуқсонларнинг ҳосил бўлиш жараёнини секинлашишига олиб келиши, яъни А– ва Е–марказларнинг ҳосил бўлиш самарадорлиги оддий кремнийга нисбатан 1÷1.5 даража паст бўлиши аниқланган. Таъкидлаш лозимки, Si<Sm> намуналарига нисбатан Si<Gd> намуналарида А–марказлар ва Е–марказлар бир қанча кам. Бунда ноёб ер элементларининг концентрацияси қанчалик кам бўлса, радиацион нуқсонлар концентрацияси ҳам шунчалик кам бўлади. Бу эффектлар кремнийда ноёб ер элементлари атомларининг радиацион нуқсонлар билан ўзаро таъсирининг ўзига ҳослиги билан боғлиқ.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «**Кремнийли МДЯ-структуралар ва МОЯ-транзисторларда номувозанатли жараёнлар**» СС-DLTS ва ЮЧ ВФХ усуллари ёрдамида ўрганилган.

МДЯ-структураларни γ -квантлар билан нурлантириш Si-SiO₂ чегара қисмида Cl ва OH ионлари билан уч валентли кремний боғланишининг узилиши ҳисобига юза ҳолатларининг кўпайишига ва оксидда жойлаштирилган мусбат заряднинг ҳосил бўлишига олиб келади.


900÷1250°С интервалида юқори ҳарорат термик ишлови Si ўстириш жараёнида киритилган ноёб ер элементлари атомини фаоллаштиради. Si<Sm> намуналарида электронларнинг тутиш кесими $\sigma_n = 4 \cdot 10^{-17}$ ва $\sigma_n = 1.2 \cdot 10^{-15}$ см² тенг бўлган чуқур $E_c - 0.23$ эВ ва $E_c - 0.39$ эВ сатҳ топилган. Бунда бу сатҳларнинг ҳосил бўлиш эффективлиги ноёб ер элементлари киришмасининг миқдорига боғлиқ, бир пайтда текшириляётган намуналарнинг юқори ҳароратдаги термик ишлови N_o^{opt} нинг ошишига олиб келади.

Бу эффект эҳтимол, ноёб элементлар киришмаси атом-

Кремнийли МДЯ-структураларни нурлантирилганда Si-SiO₂ чегара қисмида ва диэлектрикнинг ҳажмида радиацион нуқсонлар ҳосил бўлади, уларнинг концентрацияси кўпайганда катта дозаларда яримўтказгич юзасида стабил инверсион қатлам ҳосил бўлишига тўсқинлик қилувчи тирқишли ток ҳосил бўлишига олиб келиши аниқланган.

МДЯ-структураларнинг параметрларига, унинг майдоний электродида силжишли ва силжисиз ҳолатларда γ -нурлантиришнинг таъсири ўрганилган ва майдоний электродда силжишнинг борлиги ёки унинг кутбидан катъи назар нурлантириш вақтида диэлектрикда марказларнинг генерацияланиши ва ионланишига кам таъсир қилиши топилган, лекин мусбат кучланиш силжишда эса сатҳ ҳолатларининг зичлиги кремнийнинг тақиқланган зонаси ўртасига яқин жойда нисбатан тез ўсади (5-расм).

Қайд қилиш керакки, структурларни силжиш кучланишисиз нурлантирилганда тажрибада берилганларининг катта фарқланиши кузатилади, бу оксиддаги жойлаштирилган зарядларнинг флукутацияси билан боғлиқ.



СС-DLTS спектрларидан ҳар хил ҳарорат ва уларга тўғри келувчи юза ҳолати E_t ўртача ионизацияланиш энергиясида ҳисобланган: Т, К (E_t , эВ): 1,2– 250 (0.44); 3,4 – 150 (0.24); 5,6–80 (0.09). $V_{см}$, В: 1,3,5 – -10; 2,4,6 – +10

5-расм. Юза ҳолати зичлиги N_{SS} нинг мусбат ва манфий силжитиш кучланиши $V_{см}$ да D га боғлиқлиги


Юқори энергияли тормозли γ -нурланиш билан нурлантирилган МНОЯ-структуранинг диэлектрик қатламида зарядлар йиғилишига жавобгар асосий физик жараёнларни МНОЯ-структуранинг хусусийлигини ҳисобга олиб (6-расм), ⁶⁰Со γ -квантлари билан нурлантирилган металл-оксид-яримўтказгич структуралар учун ривожлантирилган генерация-рекомбинация модели

$V \neq 0$ бўлганда нурлантириш радиацион нуқсонлар ҳосил бўлиш шароитларини стабиллаштиради ва уларнинг дозага боғлиқлигини аниқлашга имкон беради. 30 МэВ тормозланиш спектрида максимал энергияли γ -квантларда юқори энергетик тормозли γ -нурлари билан нурлантирилган металл-нитрид-оксид-яримўтказгич туридаги структураларнинг юқори частотали С-V-характеристикалари илк бор ўлчанган МНОЯ-структуранинг зоналар яссилиги кучланиши ва бўсага кучланишининг тормозли γ -нурланишнинг юқори энергетик энергия ташиш катталигига боғлиқлиги олинган.

билан тавсифлаш мумкинлиги кўрсатилган. ^{60}Co γ -квантлари билан нурлантирилган ва юқори энергетик тормозли γ -нурланиш таъсири қилинган МНОЯ-структуралар учун SiO_2 чегара бўлимида энергия нурланишининг бир хил қийматида бир бирига нисбатан силжитилган $\Delta V_{\text{FB}}(F)$ ва $\Delta V_{\text{MG}}(F)$ боғлиқлиги ўрнатилган.

^{60}Co γ -квантлар ва юқори энергетик тормозли γ -нурлантиришни КП304А туридаги МОЯ транзистори параметрларига таъсири тадқиқ қилинган. ^{60}Co γ -квантлари билан нурлантириш бўсаға кучланишини ва Si-SiO_2 чегара бўлимида сатҳ ҳолатларни юқори энергетик тормозли γ -нурлантириш таъсирига нисбатан катта ўзгаришига олиб келади, бу оксид қатламда ютилган доза қийматининг фарқи билан боғлиқ. Бу ўз навбатида нурланиш билан генерацияланган рекомбинациядан холис электрон-кавак жуфтларининг ҳар хил сонига олиб келади.

Илк бор МОЯ-транзисторларнинг инвертирланган каналидаги заряд ташувчиларининг эффектив ҳаракатчанлигига, юқори энергетик тормозли



- 1-электрон-каваклар жуфтлиги генерацияси;
- 2-тутқичларга кавакларнинг илиниши;
- 3-кавак ва электронларнинг рекомбинацияси;
- 4-кавакларнинг термализацияси

6-расм. Зарядларнинг йиғилиши ва ёйилиши жараёнларини тушунтирувчи МОЯ-транзисторнинг энергетик зона диаграммаси

чегарасида зўриққан алоқаларнинг узилиши билан боғлиқ спектрда локал максимумнинг $E_c - 0.18$ эВ пайдо бўлиши нурланишнинг $F = 7.5 \cdot 10^3$ Дж/см² энергия ташилишида ҳамма спектрлар билан мос тушади.

Юқори энергетик тормозли γ -нурланиши таъсир қилинган МОЯ-транзисторларнинг бўсағасида ўтиш вольт-ампер характеристикаларини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, сиртий ҳолатлар куйдиришдан кейин ҳамма

γ -нурлантиришни бўсаға кучланишига ва ток характеристикаларига таъсири тадқиқ қилинган.

Нурланиш энергияси ўтишининг ошиши билан V_{MG} катта манфий кучланишлар қиймати томонига силжиши ва бу ҳолат оксид қатламида мусбат зарядлар ҳосил бўлиши билан боғлиқлиги аниқланган. Инвертирланган каналдаги заряд ташувчиларининг эффектив ҳаракатчанлиги нурлантириш ошиши билан 4÷5 марта камайиши кўрсатилган.


МОЯ-транзисторни юқори энергетик тормозли γ -нурланиш билан куйдириш Si-SiO_2 чегара қисмидаги сатҳ ҳолатларининг ҳамма энергетик спектрларини кўтарилишга олиб келиши тажрибада аниқланган ва Si-SiO_2

текширилган тақиқланган зона энергиялари диапазонида ўзини номонотон тутади. $T_{отж}=150\div 170$ °C ҳароратгача куйдириш сиртий ҳолатларнинг ошишига, $210\div 220$ °C дан сўнг эса уларнинг камайишига олиб келади. Бу жараёнларни диффузион-дрейфли механизм билан тушунтириш мумкин.

Тормозли нурланиш таъсири ўтказилган МОЯ-транзисторларни изохрон тоблаганда бўсаға кучланиши ва сиртий ҳолатлар $T_{отж}=350\div 360$ Cдан кейин ўз аввалги ҳолатига қайтиши тажрибада аниқланган.

МОЯ-транзисторларнинг ва МНОЯ-структураларнинг характеристикаларига иссиқлик майдони орқали ишлов берилганда (ИМОИБ) паст ҳароратли изохрон ҳамда изотермик куйдиришнинг таъсири тадқиқ қилинган ва дастлаб юқори энергетик тормозли γ -нурланиш билан нурлантирилган МОЯ-транзисторларни секин совутиш билан 360 °C да 30 минут давомида термик ишлов бериш кремнийнинг тақиқланган зонаси кенглиги бўйича сиртий ҳолатларни $1\div 1.5$ даражага камайириши аниқланган ҳамда нурлантирилмаганларни 300 °C да ва $V_G=10$ V да ИМОИБ қилиш V_{MG} кучланишининг $10\text{--}15\%$ га камайишига олиб келади.

Ванадий, никель ва гадолийнинг ва самарийнинг Si-SiO₂ чегара қисми ва ҳажм хоссаларига таъсири СС-DLTS ва ЮЧ ВФХ ёрдамида амалга оширилган. Назорат намуналарга қараганда Al-SiO₂-n-Si<V> туридаги МДЯ-структураларнинг характеристикалари манфий силжиш кучланишлари томонига сурилган, бу МДЯ-структураларда сиртий ҳолатлар кўпайганини ва Si-SiO₂ чегара қисмида Si га V киритилганда мусбат зарядлар ҳосил бўлганини таъкидлайди.



7-расм. Ванадий киришмали МДЯ-структура (2) ва назорат МДЯ-структура намуналарини (1) СС-DLTS спектрлари

Si<V> асосидаги МДЯ-структураларнинг СС-DLTS спектрини ўлчаш шуни кўрсатдики (7-расм), легирланган намуналар спектрида максимумли тўртта пик тегишли ҳароратларда куйидагича кузатилади: $T_{max}=102$ К (пик А), $T_{max}=180$ К (пик В), $T_{max}=225$ К (пик С) ва $T_{max}=290$ К (пик D). Шу пиклар билан боғлиқ нуқсон параметрларининг ҳисоб-китоби биринчи учта пикнинг параметри дастлаб Si<V> кузатилган тегишли чуқур сатҳлар параметридан фарқланмаслигини кўрсатади.

Ҳақиқатан пик А энергия ионизацияси $E_c - 0.22$ эВ бўлган чуқур сатҳга тўғри келади, пик В $E_c - 0.45$ эВ, пик С $E_c - 0.22$ эВ энергия

ионизацияли чуқур сатҳга тўғри келади, пик D эса кузатилаётган ва назорат намуналар-дагига тўғри келади.

7-расмда (1-чизик) назорат МДЯ-структураларнинг СС-DLTS кремнийни юзасида E_{FS} электронлар учун Ферми квазисатҳи тахминан кремнийнинг тақиқланган зонаси ўртасида жойлашганда ва импульс тўлиши $U_f=10V$ узунлиги $t_f=1ms$, ушлаб қолиш вақти $t_1=10 ms$, $t_2=20 ms$ да ўлчанган спектри келтирилган. $T=290K$ даги максимум асосий бўлмаган ток ташувчилар орқали юза сатҳларининг қайта зарядланиши билан боғлиқлиги аниқланган.

$Si<V>$ асосидаги МДЯ-структураларнинг СС-DLTS спектрини ўлчаш шуни кўрсатдики (7-расм, 2-чизик), легирланган намуналарнинг спектрида тўртта пик максимумлари билан тегишли температураларда қуйидагича кузатилди: $T_{max}=102 K$ (пик А), $T_{max}=180 K$ (пик В), $T_{max}=225 K$ (пик С) ва $T_{max}=290 K$ (пик D).

Шу пиклар билан боғлиқ нуқсон параметрларининг ҳисоб-китоби биринчи учта пикнинг параметри дастлаб $Si<V>$ кузатилган тегишли чуқур сатҳлар параметридан фарқланмаслигини кўрсатди. Ҳақиқат пик А энергия ионизацияси $E_c-0.22эВ$ бўлган чуқур сатҳга тўғри келади, пик В $E_c-0.45 эВ$, пик С $E_c-0.52 эВ$ энергия ионизацияли чуқур сатҳга тўғри келади, пик D эса кузатилаётган ва назорат намуналардагига тўғри келади.

Нейтронли-трансмутацион легирланган кремний (НТЛК) асосидаги МДЯ-структураларнинг физик хоссалари ўрганилган ва уларни заряд алоқали асбоблар ишлаб чиқарилишида қўллаш мумкинлиги кўрсатилган. НТЛК асосидаги тест МДЯ-структураларнинг параметрлари аниқланган ва паст ҳароратли иссиқлик ишлов бериш йўли билан $Si-SiO_2$ чегара қисмида сиртий ҳолатлар концентрациясини камайтириш имконияти кўрсатилган.

